2010 ЙИЛ 12 АВГУСТ, ПАЙШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 156 (11.717)

Баҳоси эркин нархда




## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

**Бу – маҳалла ҳақида, кундалик ҳаётимиз, урф-одатларимиз, асрлар давомида шаклланиб келган, авлодлардан авлодларга ўтиб, маънавият ва ахлоқ-одоб бобида ўзига хослигини йўқотмаган турмуш тарзимиз хусусидадир. Дарҳақиқат, маҳалланинг ноёблиги ҳам айнан турмушимизнинг мана шундай ўзига хослиги билан белгиланади.**



Маҳалла куни

## МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ БАЙРАМИ

Бир оз фурсат бўлсада, кундалик ташвишларни четга суриб, ўзига хос «Маҳалла сайли» байрами иштирокчиси бўлган ҳар бир кишининг хаёлидан шу ўйлар кечди десак, муболаға бўлмайди.

— Мамлакатимиз мустақиллигининг 19 йиллигига қизғин тайёргарлик кетмоқда. Шубҳасиз, бу сана ҳар бир ўзбекистонлик учун алоҳида мўътабар байрамдир. Уни кўтаринки кайфиятда, муносиб кутиб олиш барчанинг зиммасидаги бурч ва масъулиятдир. Бугунги кунда ҳар бир жабҳада яратувчанлик сезилаётир – янги бино ва иншоотлар барпо этилмоқда, боғу хиёбонлар, кўчаларимизда ободончиликка йўғрилган саъй-ҳаракатларни кузатиш мумкин. Бу борада, шубҳасиз, маҳалланинг ўрни беқиёс. Зеро, маҳалла — орзу-умидларимизни боғлаб турувчи қутлуғ даргоҳдир, — дейди Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Низомиддин Бахтиёров. – Замонавий маҳалла ота-боболаримиз мерос қилиб қолдирган қадриятларимизни ўз ичига олган, албатта. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтмоқ лозимки, фақат Истиқлол шарофати билан биз миллий анъаналаримиз, урф-одатларимизни қадрлаб-эъзозлашга, уларни фарзандларимиз тарбиясига ҳам сингдириб боришга эришдик.

«Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» шиори остида Мустақиллигимизга бағишлаб ўтказилаётган тадбирлар халқимиз, айниқса фарзандларимиз қалбида она юрт тупроғини кўзга тўтиё қилиб яшаш, Ватанга меҳр ва садоқат туйғусини юксалтиришда катта аҳамият касб этмоқда. Ушбу эзгу ғоя, яхши маълумки, мустақил давлатимизнинг «Ислоҳотлар инсон манфаати учун» деган концепциясида ўз аксини топган. Инсон, унинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинлиги мамлакатимиз Бош Қомуси – Конституциясида кафолатланган.

— Бугунги кунда барча ютуқларимиз замирида миллати, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар юртимиз ҳар бир фуқаросининг манфаати, иродаси ўз ифодасини топаётганининг гувоҳимиз. Бунга кўп миллатли халқимизнинг энг олижаноб фазилатларини ўзида мужассам этган маҳалла шодиёналари ҳам яққол мисол бўла олади, – дейди «Маҳалла» жамғармаси Бектемир тумани бўлими раиси Саидхўжа Бузрукхўжаев. – Туманимизда 12 та маҳалла бўлса, асосини кўп қаватли уйларда яшовчи оилалар — қирқдан зиёд миллат ва элат вакилларини бирлаштирган маҳалла аҳли ташкил этади. Маҳаллаларимизда тинч-тотувлик, ҳамжиҳатлик, бағрикенглик ҳукмрон. Энг улуғ сана — мустақиллик байрами олдидан маҳалла фаолиятида сарҳисоб ўтказилишида ҳам ўзига хос рамзий маъно борки, айниқса рағбат ҳаракатларимизнинг изчил ва самарали кечишига омил бўлади. Бу йили тўртта – «Роҳат», «Зилола», Олим Аширов ва Ҳусайн Бойқаро номли маҳаллалар вакиллари турли номинацияларда совриндор бўлгани биз учун, албатта, катта ютуқ.

*(Давоми 2-бетда).*

**Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 30 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн тўққиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ юртимизнинг барча ҳудудларида ушбу улуғ айёмга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда.**

## ВАТАН ВА ИСТИҚЛОЛ ТАРАННУМИ

Бу борадаги тадбирлар халқимиз, айниқса, навқирон авлод қалбида она юрт тупроғини кўзга тўтиё қилиб яшаш, Ватанга меҳр ва садоқат туйғусини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур қарорга биноан Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Журналистлар ижодий уюшмаси, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, «Ўзбеккино» миллий агентлиги, Бадиий академия ҳамкорлигида мамлакатимиз мустақиллигининг ўн тўққиз йиллигига бағишлаб «Энг улуғ, энг азиз» анъанавий танлови эълон қилинган эди.

Танловдан мақсад ёзувчи ва шоирларимизни, журналистлар, тасвирий ва кино санъати намояндаларини «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» эзгу ғоясини ўзида мужассам этган, Ватанимизнинг ўн тўққиз йиллик мустақил тараққиёт йўли Ўзбекистонимиз учун сиёсий соҳада, давлат ва жамият қурилиши, иқтисодиёт, ижтимоий ҳаёт ва маънавият, суд-ҳуқуқ тизими, ташқи сиёсат ва хавфсизликни таъминлаш борасида ривожланиш ва юксалиш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш даври бўлгани, истиқлол халқимиз учун янги-янги имкониятлар туғдириб бераётгани, ҳар бир юртдошимиз ўз истеъдоди ва қобилиятини намоён этишининг, мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг мустаҳкам замини бўлиб келаётгани чуқур очиб берилган асарлар яратишга чорлашдан иборатдир.

«Энг улуғ, энг азиз» Республика танлови ҳайъатининг йиғилишида танловнинг вилоят босқичлари кўтаринки руҳда ўтказилиб, унда 1600 дан зиёд ижодкор олти мингга яқин асари билан иштирок этгани ва 160 дан зиёд ижодкор турли номинациялар бўйича ғолиб ва совриндор деб топилгани қайд этилди. Ижодий беллашувнинг мамлакат босқичига уч юздан зиёд муаллифнинг икки мингдан ортиқ асари тақдим этилган.

Ушбу материалларда халқимизнинг тинч ва осуда ҳаёти, жамиятимиздаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун бўлиб яшаш тамойили тобора мустаҳкамланиб бораётгани, бой тарихимиз, урф-одат ва анъаналаримизнинг қайта тикланган, одамларимизнинг дунёқараши тубдан ўзгариб, Ватан тақдири ва истиқболига дахлдорлик туйғуси маънавий ҳаётимизнинг узвий қисмига айланиб бораётгани, «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг ижобий самаралари, ёшларимизнинг ҳам маънавий, ҳам жисмоний камол топаётгани таъсирчан ифодаланган.

Йиғилишда «Энг улуғ, энг азиз» Республика танловининг якуний босқичини ўтказиш билан боғлиқ ташкилий масалалар кўриб чиқилди.

**(ЎзА)**

## ТАРАҚҚИЁТ КЎЗГУСИ

**Инсон ҳамиша ўзи яшаб турган жойдан узоқдаги воқеа-ҳодисалардан огоҳ бўлиш истаги билан яшаган. Бундай кечинмалар халқимиз яратган эртаклар, афсоналар, ривоятларда, мумтоз бадиий асарларимизда ҳам ўз ифодасини топган. Аждодларимизнинг ана шундай теран тафаккури, бой дунёқараши маҳсули сифатида бугунги илғор ахборот технологиялари, жумладан, телевидение юзага келган.**

Ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида Ўзбекистон олимлари электрон нур ёрдамида ҳаракатдаги тасвирни бир жойдан иккинчи жойга узатадиган ва қабул қиладиган «радиотелефот» яратиб, телевидение тараққиётига катта улуш қўшдилар. Гарчи, ана шундай оламшумул ихтиролар бизнинг Ватанимизда амалга оширилган бўлса-да, мустақилликка эришганимизга қадар мамлакатимизда телевизор ишлаб чиқарадиган корхона йўқ эди. Ўша пайтларда оддий оқ-қора рангли телевизорлар ҳам четдан олиб келинган.

...Болалигим совет мафкурасининг коммунистик жамият қуриш йўлида иш олиб борган ура-урачилик замонларига тўғри келган. Беш-олти ёшлигимда дадам уйимизга оқ-қора рангли «Весна» телевизорини олиб келганини яхши эслайман. Ўшанда мен ва ука-сингилларим жуда қувониб, дадамнинг телевизорни ёқиб беришини интиқ кутардик. Бироқ, турли носозликлар туфайли телевизор кўришимиз бир неча кунга чўзилган.

Ҳозир қайси хонадонга борманг, сўнгги русумдаги телевизорлар, аудиовидео аппаратлардан фойдаланаётганига гувоҳ бўласиз. Бугун ҳалол меҳнат қилиб, ризқ ундираётган халқимиз ҳаётини оламдаги жамики гўзалликлар билан безашга, ёшларимиз замонавий технологияларни ўзлаштиришга, ҳеч кимдан кам бўлмай яшашга одатланди.

Ўз навбатида мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари халқимизнинг бундай интилишларини, аҳолининг теле, видео, аудио маҳсулотларига ва рўзғор учун зарур бошқа воситаларга бўлган эҳтиёжини тўла қондиришни фаолиятининг муҳим мезонига айлантираётгани қувонарлидир. Бунинг натижасида юртимизда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари изчил ривожланмоқда.

– Корхонамизда замонавий телевизорларни ишлаб чиқариш Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 1992 йилда ишлаб чиқилган махсус дастур асосида амага оширилмоқда, – дейди ЎзА мухбирига «Фотон» очиқ акциядорлик жамиятининг ташқи иқтисодий алоқалар бўлими бошлиғи Евгения Содиқова. – Дастлаб оқ-қора рангли телевизорлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ишлаб чиқариш жараёнларини кенгайтириш ва замонавийлаштириш мақсадида 1997 йилда Япониянинг «Сони» компанияси билан ҳамкорликка асос солинди. Бунинг натижасида рангли телевизорларни ишлаб чиқариш технологияси ўзлаштирилди. 2000 йилдан ҳамкорларимиз сафи янада кенгайди – Жанубий Корея компаниялари билан бирга маҳсулот ишлаб чиқариш бошланди.

*(Давоми 2-бетда).*

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **ЮНУСОБОД** туманида ҳакамлик судлари фаолиятини янада такомиллаштиришнинг аҳамиятига бағишлаб ўтказилган тадбирда ҳуқуқшунослар, тадбиркорлар иштирок этди.

✓ **ЎЗБЕК** халқ амалий санъати музейида ихлосмандлар эътиборига миллий амалий санъатимиз янги намуналаридан кўргазма намойиш этилди.

✓ **«ЖАР»** спорт-соғломлаштириш мажмуасида муайтай бўйича ўсмирлар ўртасида уюштирилган Ўзбекистон чемпионати якунланди.

## XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Наманган шаҳрида Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги арафасида байрам туҳфаси сифатида янги «Китоблар маркази» фойдаланишга топширилди. «Шарқ зиёкори» масъулияти чекланган жамияти томонидан амалга оширилган ушбу лойиҳа учун 150 миллион сўмлик маблағ сарфланди.**

**• Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманида «Маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича энг намунали маслаҳатчиси» кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди.**

**• Нукуслик тадбиркор Муродбек Тангриберганов, «Муродбек-мебель» кичик корхонасини ишга туширди. Банкдан олинган 50 миллион сўмлик кредит тадбиркорга шу хайрли ишни амалга оширишга катта туртки бўлди. Ўн нафар қўли гул уста меҳнат қилаётган корхона жамоаси харидорларга дастлабки 20 миллион сўмлик маҳсулотни етказиб берди.**

**• Самарқанд вилояти Ургут туманидаги «Сам-Нур-Тафвиз» қўшма корхонасида электр духовкаларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бунинг учун Туркиядан келтирилган замонавий асбоб-ускуналар қўл келди. Тез орада қўшма корхона томонидан кичик газ плиталарини тайёрлаш ҳам ўзлаштирилади.**

**• Қашқадарё вилояти бўйича аҳоли бандлигини таъминлаш учун ўтган олти ойда 48.115 та янги иш ўринлари яратилди. Шунингдек, вилоятда уй меҳнатининг барча шаклларини ташкил этиш бўйича режадаги 15.744 та ўрнига амалда 16.895 та янги иш ўринлари ташкил этилди. Меҳнат шартномаси бўйича корхоналар билан кооперация (касаначилик) асосида 40.58 та янги иш ўринлари очилди.**

**• Самарқанддаги «Элхолдинг» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси цехлари 613,7 минг АҚШ доллари микдоридаги замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Натижада 65 та иш ўрни яратилиб, енгил автомобиллар тиркамалари ҳамда мева қуритиш дастгоҳларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.**

**• Тошкент туманидаги «Бешқўрғон» маҳалласида тикув цехи фаолият бошлади. Бу ерда бозор талаблари ва аҳоли буюртмаларига мувофиқ кийим-кечак, ўрин-кўрпа маҳсулотлари тикилмоқда. Тадбиркор Дилфуза Дўстмуҳамедова бошқараётган кичик корхонада ўндан ортиқ хотин-қизлар ишли бўлишди.**

### ЖАҲОНДА

**• Куни кеча Абхазияга Россиянинг С 300 русумли ракета комплекси ўрнатилиши муносабати билан Грузия Россиянинг ҳаво ҳужумига қарши мудофаа тизимининг Абхазияга ўрнатилишига нисбатан норозилик билдирди.**

**• БМТнинг Ливан бош вазири Рафиқ Ҳаририйнинг ўлими тафсилотларини кўриб чиқаётган халқаро трибунали Ливандан шу ҳафтада «Ҳезболлаҳ» етакчиси шайх Ҳасан Насрулло томонидан Ҳаририй ўлими билан боғлиқ ошкор қилинган материалларнинг топширилишини сўради.**

**• Кеча Руанда пойтахти марказида террорчилик ҳаракати амалга оширилди. Граната портлатилиши натижасида 10 киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди. Ҳозирда мазкур терактни амалга оширганликда гумон билан уч киши ҳибсга олинган. Қизиғи шундаки, ушбу кўпорувчилик мамлакатнинг амалдаги раҳбари Поль Кагаменинг 93 фоиз овоз олиб президент сайловида ғалаба қозонганлиги эълон қилинганидан бир неча соатдан сўнг амалга оширилган.**

**• II жаҳон урушидан сўнг илк бор Россия, Канада ва АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари томонидан «Зийрак бургут» номли ҳамкорликдаги ҳарбий машқлар ўтказилди. Унда террорчилар томонидан самолёт қўлга олинганидан сўнг уни озод қилиш юзасидан ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар маромига етказилди.**

**• Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти раҳбари Женевада бўлиб ўтган БССТ экспертлари учрашувида дунёда «H1N1» вирусининг бутунлай тугаганлигини маълум қилди. У ўз сўзида пандемия тугашига қарамай, унинг қайта пайдо бўлишининг олдини олиш ҳаракатлари тўхтамаслигини ҳам билдирган.**

**• Шарқий Европадаги бир неча мамлакатларда кучли сув тошқинлари юз бермоқда. Жумладан, Литва, Чехия, Польша ва Германияда табиий офат 15 кишини ҳаётдан олиб кетган, ўнлаб кишилар бедарак йўқолган.**




# МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ БАЙРАМИ

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

– «Маҳалламиз тарихини ўрганамиз» танлови ғолиби бўлганимиз бизни ҳам руҳлантирди, – дея фикр билдирди Саккокий номли маҳалла фаоли Муҳайё Акромхўжаева. – Ўз турар жойи, маҳалласи тарихини инсон қанчалик яхши билса, ўз Ватани, халқи қадрини янада теранроқ англайди. Мустақиллик йилларида биз бир ҳақиқатни англадикки, инсоннинг маънавий бойлиги — бу анъаналаримиз, урф-одатларимиздир. Маҳалла ҳам кўпчиликни ягона мақсад – тинчлик-хотиржамлик, яхшилик сари бирлаштириш кучига эга қадриятимиздир. Маҳалла байрами фаровон ҳаётимиз намунаси сифатида ҳамжиҳат, ҳамфикр бўлиб, катта-кичик ишларни бирга адо этиш қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлигини намоён этади.

Анъанага кўра, маҳалла байрами карнай-сурнай садолари остида бошланди. Бироқ байрам чорлови одатга кўра, етти маҳаллага эмас, балки пойтахтимизнинг барча маҳалларида акс-садо бердики, буни ҳамшаҳарларимизнинг узоқ вақт давомида сайилдан қадами узилмаганидан ҳам сезиш мумкин эди. Ташкилотчиларнинг остонадан бошлаб халқимиз меҳмоннавозлигини кенг намоён этиб, кутиб олишгани барчага кўтаринкилик бахш этди. «Туркистон» саройининг катта саҳнасида яшаш тарзимиз, бирга байрамлар нишонлашимиз – маҳалламизнинг кундалик ҳаёти кўз ўнгимизда гавдаланди. Бир томондан аллаю лапарлар янгради, яна бир томондан ҳунармандларимиз яратган санъат намуналари кўзни қувнатса, кираверишда эса меҳмонларга, миллий одатимизга кўра, иссиқ нон тортиқ қилинди. Барча «Нон сайли» томон ошиқди. Бундай гўзал урфимизни «Чиғатой Дарвоза» маҳалласидан новвойлар сулоласининг учинчи авлоддаги давомчиси Фарҳод Нуриддинов маромига етказиб намойиш этди. Унинг бошчилигида дастурхонимиз кўркини таъминлаб берувчи новвойлар кундалик ишига янада маҳорат билан ёндошиб, гўё санъат асарини яратишга ҳаракат қилганлару бунга аъло даражада эришишган. Байрам бош саҳнасининг икки томонида пойтахтимиздаги 474 та маҳалланинг ўзига хос кўргазмалари ташкил этилган. Кулолчилик, мискарлик, заргарлик, зардўзлик, каштачилик билан шуғулланиб келаётган ҳунармандларимизнинг ижоди барчада катта қизиқиш уйғотди. Маҳаллаларимиз тарихидан сўзловчи паннолар ҳам ҳеч кимнинг эътиборидан четда қолмади. Саҳнада куй-қўшиқлар каторида маҳалла фаолларининг ҳам номлари янграб, улар давомий қарсаклар билан кутиб олинди.



Маҳалла байрами, айтиб ўтилганидек, ўзига хос сарҳисоб ҳамдир. Анъанага кўра, шу куни бир йил давомида эришилган ютуқлар ҳақида гапирилиб, маҳалла фидойилари муносиб тақдирланди. Шунингдек, хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан ўтказиб келинаётган «Оналар куйлаганда», «Дўппи тикдим ипаклари тиллодан», «Футболимиз келажаги», «Маҳалламиз полвонлари» танловларининг ғолиб ва совриндорлари аниқланди.

Маҳалла байрами мана шундай ўзига хос тарзда, қизиқарли сайилларга бой бўлди. Бу кунни шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонлари бир оила – кенг маҳалла даврасига бирлашиб, ҳамжиҳатликда нишонлади

Ҳар биримиз истиқомат қиладиган маҳалла, шубҳасиз, аждодларимизнинг ҳаёт намуналаридан гувоҳ беради. Ишончимиз комилки, бундай ноёб турмуш тарзи келажак авлодлар ҳаётида ҳам давом этади.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**
**Муҳаммад Амин (ЎзА) олган суратлар**

# ЁШЛАР ТАРБИЯСИ — УСТУВОР ВАЗИФА

**Бугунги кунда ёшларнинг ҳуқуқий ва тиббий саводхонлигини ошириш, ақлан ва жисмонан соғлом бўлиб вояга етиши борасидаги саъй-ҳаракатлар кўлами кенг. Соҳа мутахассислари билан ўтказилаётган давра суҳбатлари, турли доирадаги тадбирлар мавзуси айнан мана шу мақсадга қаратилгани билан эътиборга моликдир.**

Шундай тадбир Миробод туманидаги 94-мактабда Адлия бошқармаси томонидан ўтказилиб, унда фуқаролар йиғинлари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, прокуратура, ички ишлар, «Камолот» ЁИҲ етакчилари, Тошкент давлат юридик институти талабалари иштирок этди.

Тадбирда мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлидаги аниқ мақсадга қаратилган ишлар, ҳар бир соҳада изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар, хусусан, қонун устуворлигига эришиш, ёш авлодни жисмонан ва руҳан камол топтириш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳақида сўз борди.

Ушбу йўналишда жамоат ташкилотлари томонидан ҳам кенг қамровли ишлар амалга оширилаётгани ҳақида фикр-мулоҳазалар билдириб ўтилди. Таъкидлаб ўтилганидек, фуқаролик институтларининг айниқса ёшлар тарбиясида ўрни ўзига хос, шундай экан, ушбу масалага янада кўпроқ эътибор қаратиш, бу борада ёш авлоднинг ҳуқуқий ва тиббий саводхонлигини ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

# ТАРАҚҚИЁТ КЎЗГУСИ

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

Аҳолини теле-видео аппаратлари билан таъминлаш йўлида фаол иш олиб бораётган корхоналардан яна бири «Зенит электроникс» Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонасидир. Бу корхона ҳам 1992 йилдан бери замонавий телевизорлар ишлаб чиқармоқда. «Daewoo», «Samsung», «LG» русумли телевизорлар нафақат мамлакатимиз, балки хориж бозорларида ҳам харидоргир.

– Юртимизда ишлаб чиқарилган «LG» ва «Samsung» русумли телевизорларни сотиб олганимга уч йил бўлди, – дейди пойтахтимизнинг «Ҳуснобод» маҳалласида яшовчи Маълума Юсупова. – Уларнинг бирини ошхонамизга жойлаштирганман. Чунки, кўп вақтим шу ерда ўтади. Уларни ҳалигача бирор марта таъмирлатмадим. Мамлакатимизда бундай сифатли ва замонавий телевизорлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилганидан фахрланамиз.

– Ҳозир мамлакатимизда мобиль алоқа воситалари, компьютерлар сингари телевизорларнинг ҳам энг такомиллашган турлари ишлаб чиқарилмоқда, – дейди «Зенит электроникс» қўшма корхонаси менежери Отабек Юсупов. – Улар ихчам, кам энергия сарфлайди, узоқ вақт фойдаланишга яроқли, экрани катта, кўплаб функцияларни бажаришга мўлжалланган. Шу кунларда корхонамиз мутахассислари ана шундай русумдаги илғор технологияларни янада кенг ўзлаштириш йўлида изланмоқдалар. Яқин кунларда харидорлар бундай маҳсулотларнинг янги турларини мамлакатимиз савдо мажмуаларидан харид қилиш имкониятига эга бўладилар.

Истиқлол бизга барча соҳаларда ана шундай кенг имкониятлар берди. Турмушимиз юксалди, энг яхши нарсаларни ҳадя қилишга интилишимиз кучайди. Бунга имкониятимиз ҳам етади. Ҳаётга муҳаббат, ёруғ ва фаровон келажакка ишончимизни кучайтираётган бундай туйғулар бизга мустақиллик туфайли насиб этган буюк саодатдир.

**Баҳор ХИДИРОВА**

**Пойтахтимизда бухгалтерлик ҳисоби ва аудитни янада такомиллаштириш масалаларига бағишланган конференция бўлиб ўтди. Ўзбекистон аудиторлар палатаси томонидан ташкил этилган анжуманда аудиторлик ташкилотлари раҳбарлари, амалиётчи бухгалтерлар ва олимлар иштирок этди.**

# АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Тадбирда мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида бухгалтерия ва аудит соҳасини изчил ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар самарасида иқтисодиётнинг барча тармоқларида молиявий барқарорлик таъминланиб, аудиторлик фаолияти тобора ривожланаётгани алоҳида таъкидланди.

Бунда 2000 йили қабул қилинган «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонун муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир. Ҳозир юртимиздаги 112 аудиторлик ташкилотида 700 нафардан зиёд аудитор фаолият юритмоқда. Айни пайтда мазкур ташкилотлар хизматига талаб тобора ортиб бормоқда. Жумладан, корхона ва ташкилотларга 2006 йилда 4,5 миллиард сўмлик аудиторлик хизмати кўрсатилган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида бу кўрсаткич 8,7 миллиард сўмдан ошди.

— Аудитор молиявий фаолиятни нафақат текширувчи, балки камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар берадиган яқин кўмакчи ҳамдир, — дейди Ўзбекистон аудиторлик палатаси кенгаши раиси Неъматилла Каримов. — Шу боис палатамиз томонидан аудиторлар фаолиятини янада кенгайтириш ва билимини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Инвентаризация, инсон ресурсини ҳисобга олиш ва ҳисоботда акс эттириш масалалари, аудиторлик фаолияти тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш тартиби ва муддатлари юзасидан фикр алмашилган конференцияда «Аудит софт» дастурининг тақдимоти бўлиб ўтди. Мазкур дастур барча хизматларни автоматлаштириш орқали вақтни тежаш, ҳужжатларни тизимлаштиришга хизмат қилади.

**(ЎзА)**

**Бутун дунёда кузатилаётган ҳавонинг глобал исиб кетиши давлатлар, ҳукуматлар ва фуқаролардан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, атмосферага саноат чиқиндилари чиқарилишини камайтириш масалаларига эътиборни кучайтиришни тақозо этади. Айниқса, иқтисодиётнинг барча соҳаларига экологик тоза технологияларни жорий этиш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.**

Янги лойиҳалар

# ИҚТИСОДИЙ ВА ЭКОЛОГИК ЖИҲАТДАН ФОЙДАЛИ

Анъанавий иқлим мувозанатини сақлаш мақсадида Бутунжаҳон метеорологик ташкилоти БМТ Ривожланиш дастури доирасида иқлим ўзгариши масалаларини ўрганиш бўйича ҳукуматлараро экспертлар гуруҳини тузган бўлиб, ушбу гуруҳ иштирокида кейинчалик БМТнинг иқлим ўзгаришига оид Доиравий конвенцияси ва Киото шартномаси қабул қилинди ва бу ҳужжатлар 80 та мамлакат томонидан имзоланди, 126 та мамлакатда ратификация қилинди. Улар қаторида табиатни муҳофаза қилиш, салбий иқлим ўзгаришларининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратаётган Ўзбекистон давлати ҳам бор.

Киото шартномаси глобал иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда бозор механизмларидан фойдаланишни кўзда тутади. Атмосферага зарарли чиқиндилар, шу жумладан иссиқхона газлари чиқарилишини муқаррар равишда қисқартиришга интилувчи ишлаб чиқаришлар ҳар томонлама фойдали бўлмоғи даркор. Айни пайтда Киото шартномасини амалга ошириш бўйича тадбирларни миллий вазифалар, биринчи галда, энергияни тежаш, энергиянинг тикланувчан манбаларини жорий этиш ва шу каби масалаларни ҳал қилишга йўналтириш лозим.

Киото шартномасида кўзда тутилган соф ривожланиш механизми (СРМ) иссиқхона эффектлари эмиссиясини қисқартиришга оид лойиҳаларни молиялаш имконини беради. Ўзбекистонда СРМ доирасида «Махсустранс» бошқармаси таркибидаги Тошкент чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича «Чиқиндиларни қайта ишлаш» давлат корхонаси «Оҳангарон қаттиқ маиший чиқиндилар полигонида қолдиқ биогазни йиғиш» сармоявий лойиҳасини амалга ошириш ишларини бошлади. Япониянинг «Шимидзу» корпорацияси ушбу лойиҳа бўйича шерик ва инвестор сифатида иш юритмоқда.

— Қўшма лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида Оҳангарон қаттиқ маиший чиқиндилар полигони экологик хусусиятлари бирмунча юқори бўлган янги техник ускуналар билан жиҳозланади, шунингдек полигондан фойдаланиш самарадорлиги жиддий равишда ортади, — дейди «Чиқиндиларни қайта ишлаш» давлат корхонаси директори Ботир Нишонбоев. — Бунда СРМ схемаси бўйича иссиқхона газларини чиқариш учун квоталарни сотиш таклиф этилади. Япония тарафи табиатни муҳофаза қилишга оид ушбу лойиҳани тўғридан-тўғри инвестициялар воситасида тўлиқ молиялашни ўз зиммасига олмоқда.

Ҳозирги пайтда ишлаб чиқилган лойиҳавий-техник ҳужжатлар Иқтисодиёт вазирлиги томонидан маъқулланган, лойиҳанинг ўзи 2010 йил Инвестиция дастурига киритилган. Ўтган йилнинг декабрида лойиҳа БМТ Ривожланиш дастури томонидан ҳамда СРМ бўйича ижроия кенгашида рўйхатга олинган.

Бугунги кунга келиб ишлар ҳажмини белгилаб олиш мақсадида Оҳангарон қаттиқ маиший чиқиндилар полигонининг дастлабки топографик суратларини олиш жараёни амалга оширилган. Япониянинг «MESCO» инжиниринг компанияси талаб қилинадиган техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қурилиш-монтаж ишларини бошқаришга жалб этилган. Ҳудудларни режалаштириш, қудуқларни бурғулаш ва биогазни тўплаш учун қувурлар тизимини монтаж қилиш бўйича ишларни бажариш мақсадида пудратчи ташкилотлар танланмоқда.

— Лойиҳанинг амалга оширилиши ҳам экологик, ҳам иқтисодий жиҳатдан фойда келтиради, — сўзида давом этади Ботир Ҳафизович. — Биринчидан, атмосферага иссиқхона эффектининг ҳосил бўлишига сабаб бўлувчи фторуглеродли бирикмалар, карбонат ангидрид гази ва сув буғининг чиқарилиши камаяди, бу, ўз навбатида, ҳавонинг глобал исиб кетиши, музликлар эришининг олдини олишга ижобий таъсир кўрсатади. Иккинчидан, қўшимча маблағларни чиқиндиларни йиғиш, сақлаш ва қайта ишлаш бўйича технологияларни такомиллаштиришга йўналтириш учун кенг имкониятлар пайдо бўлади.

**Дилшод ИСРОИЛОВ**

Иқтисодиёт

# ХАРИДОРГИРЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

**Икки йилдан буён фаолият кўрсатаётган «Fayz Dekor Biznes» қўшма корхонасида меҳнат қилаётган 35 нафар ишчи-хизматчининг самарали саъй-ҳаракати билан ишлаб чиқарилаётган шоколадли ширинликлар харидорларни мамнун этмоқда. Қандолат маҳсулотлари орасида плитка шоколадлари айниқса ёшу қарига бирдай манзур бўлмоқда.**

— Маҳсулотнинг харидоргир турларини талаб ва эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда кўпайтиришга ҳаракат қилаётирмиз, — дейди корхона тижорат директори Миромил Эргашев. — Албатта, бунинг учун замонавий дастгоҳ ва ускуналардан фойдаланилади. Юртимизда хорижий инвестицияларни жалб этиш учун қулай муҳит яратилган. Яна бир муҳим жиҳат хусусида тўхталадиган бўлсак, корхонамизда нафақат маҳсулот сифати, балки унинг қадоқланишига — замонавий, классик ва оригинал дизайнига ҳам алоҳида эътибор қаратилади, тайёрланаётган маҳсулотларга хориж давлатларидан ҳам буюртмалар тушмоқда. Қозоғистон, Туркманистонга экспорт йўлга қўйилгани бунинг исботидир.

Корхона истиқболи йўлида кўплаб лойиҳалар устида изланилмоқда. Тез орада яна бир замонавий технологик линияни йўлга қўйиш ва янги иш ўринлари яратиш мақсад қилинган.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

2010 йил — Баркамол авлод йили

# ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИККА ЭЪТИБОР

**Пойтахтимизда «Меҳр нури» жамғармаси томонидан ишлаб чиқилган «Оилавий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қаратилган грантлар» дастури доирасида семинар ташкил этилди.**

Унда жойларда фаолият юритаётган ёш тадбиркорлар, ишбилармон хотин-қизлар иштирок этди.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, аҳоли, айниқса, хотин-қизларнинг касаначилик билан шуғулланиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурига мувофиқ ёш оилалар ва ёш тадбиркорлар учун молиявий қўллаб-қувватлаш лойиҳаларини ташкил этиш, грантлар, микрокредитлар ажратиш орқали уларга ижтимоий ва молиявий мадад бериш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар кўлами кенгайиб бормоқда. Бу борадаги вазифалар ижросини таъминлашга кўплаб жамоат ташкилотлари, жумладан, «Меҳр нури» жамғармаси ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Ёш мутахассисларни касбга йўналтириш ва уларга маслаҳат бериш курсларини ташкил этиш, ёшлар, хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашишга оид лойиҳалар, грант дастурлар шулар жумласидандир. Жамғарманинг «Оилавий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қаратилган грантлар» дастурида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва пойтахтимиздаги тадбиркорларнинг тикувчилик, паррандачилик, қандолат маҳсулотлари тайёрлаш, мева ва сабзавотни қайта ишлаш каби кўплаб соҳалардаги хусусий бизнеси учун молиявий кўмак кўрсатилади. Грант соҳибларини аниқлашда тақдим этилаётган бизнес-режаларнинг долзарблиги, ижтимоий-иқтисодий аҳамияти, муайян ҳудудда унга бўлган эҳтиёж ҳисобга олинади.

— Саккиз йилдан буён чеварлик билан шуғулланаман, — дейди ЎзА мухбирига каттақўрғонлик Азиза Юсупова. — Бизнес лойиҳамнинг асосий мазмуни — турли ёшдаги кишилар учун миллий либослар тикиш бўйича цех ташкил этиш баробарида касаначилик меҳнатини ривожлантиришдан иборат. Бунда уйда ўтирган йигирма нафардан зиёд хотин-қизнинг иш билан бандлиги таъминланади.

Семинарда иштирокчилар томонидан ишлаб чиқилган бизнес-лойиҳаларнинг тақдимоти бўлиб ўтди.

**Назокат УСМОНОВА**

